

Маєзу: Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили

Режа:

1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилишнинг аҳамияти, вазифалари ва ахборот манбалари.
2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини умумий ҳажмини таҳлили.
3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини айланувчанлигини таҳлили.

1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилишининг аҳамияти, вазифалари ва ахборот манбалари

Ҳозирги шароитда фаолият кўрсатиш учун зарур шарт-молиявий ҳисоб-китоб интизомига қатъий риоя қилишдир.. Ҳозирги кунда илгари шаклланган корхоналараро иқтисодий алоқалар тарқалиб кетди. Бу алоқаларни янги шарт-шароитларда янгичасига тубдан ўзгартириб шаллантириш зарурияти пайдо бўлди.

Натижада, корхоналараро алоқалар мураккаблашди ва дебиторлик-кредиторлик қарзлар кўпая бошлади, ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатувчи муаммога айланди. Кўпгина корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ёмонлашуви омилларидан бири – катта суммадаги муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг тўрланиб қолиши бўлиб қолди.

Билиб қўйиш зарурки

Қарши томонга тўланиши
лозим бўлган
мажбуриятлар
кредиторлик
мажбуриятлари
ҳисобланади.

Қарши томондан олиниши
лозим бўлган мажбуриятлар
дебиторлик мажбуриятлари
ҳисобланади.

Таҳлил этишнинг асосий мақсади

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларининг айланиш даврини тезлаштириш асосида корхона молиявий ҳолатини яхшилаш юзасидан ҳолатни баҳолаш ва чора-тадбирлар белгилашдан иборат.

ТАҲЛИЛНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

**дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юзага чиқиш
сабабларини ўрганиш**

**корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари
ҳолатига баҳо бериш**

**дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиш
муддатлари бўйича таснифлаган ҳолда ўрганиш**

**дебиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва динамик
ўзгаришларига баҳо бериш**

**кредиторлик қарзларининг таркибий тузилиши ва
динамик ўзгаришларига баҳо бериш**

ТАҲЛИЛ МАНБАЛАРИ

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар, корхона баланси (1-шакл) ҳамда корхона ва ташкилотлар томонидан тузиладиган дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотномадан (2-шакл) олинади. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг аналитик счёtlари маълумотларидан фойдаланилади.

Фирма ва компаниялар молиявий ҳисботининг 2-шакли “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумотнома” деб номланиб, унда акс этган кўрсатгичлар тўлов қобилияти, молиявий низомга риоя қилинганлик ва бошқа ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларнинг ҳолатига баҳо бериш учун асосий манбадир.

2. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини умумий ҳажмини таҳлили

Дебиторлик мажбуриятлари таркиби деганда унинг юзага чиқиш қаторлари ёки ўрни тушинилади. Харидор ва буюртмачиларга бўлган дебиторлик мажбуриятлари, ходимлар билан ҳисоб*китоблар бўйича дебиторлик мажбуриятлар, иш ҳақидан ажратмалар юзасидан дебиторлик мажбуриятлари, соликлар ва турли бошқа тўловлар бўйича дебиторлик мажбуриятлари ва х.к.

Кредиторлик мажбуриятлари бошқа корхонанинг тўлайдиган мажбуриятларини характерлайди. Кредиторлик мажбуриятларининг юзага чиқишининг асосий сабаби сифатида бевосита дебиторлик мажбуриятларининг вақтида келиб тушмаслиги ҳам таъсир кўрсатади. Кредиторлик мажбуриятларининг таркиби таҳлилида қарздор бўлган корхоналар бўйича мажбуриятлар суммаси, уларни тўлаш муддатларига қўра, таркибланишига баҳо берилади.

Дебиторлик мажбуриятлар таркиби.

Ходимлар ва буюртмачилар билар ҳисоблашишлар.

Бўнак (аванс) тўловлари.

Бюджет билан ҳисоблашишлар.

Ходимлар билан ҳисоблашишлар.

Шўъба корхоналари билан ҳисоблашишлар.

Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар.

Уюшма корхоналар билан ҳисоблашишлар.

Бошқа дебиторлар.

Кредиторлик мажбуриятлари таркиби

Мол етказиб берувчиларга қарзлар.

Бюджет бўйича қарзлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар.

Ижтимоий сугурта ва таъминот бўйича қарзлар.

Мулкий ва шахсий сұғурталар бўйича қарзлар.

Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар.

Шўъба корхоналарига қарзлар.

Уюшма корхоналарига қарзлар.

Бошқа кредиторлар.

Дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятлари таркиби.



**Дебитор қарзлари суммаси ва тузилмасини үзгаришини
тәжили**

+

Күрсаткичлар	Йил бошида		Йил охирида		Фарқ (+,-)	
	Сумма	Сал- моғи	Сумма	Сал- моғи	Сумма	Сал- моғи
Дебиторлар						
Харидор ва буюртмачилар билин ҳисоб-китоб	20613090	38,65	68571799	68.21	+47958709	+29.56
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнаклар	21393	0.04	36797	0.04	+15404	-
Бюджетга солиқ ва йигимлар бўйича бўнак тўловлари	1449	0.003	1621	0.002	+172	-0.001
Мақсадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнак тўловлари	2175	0.004	2175	0.002	-	-0.002
Бошқа дебиторлик қарзлари	32693311	61.30	31917371	31.75	-775940	-29.55
Жаъми	53331418	100	100529763	100	+47198345	-
Муддати ўтгани	2977408	-	204414	-	-2772994	-

Кредиторлик қарзлари сүммаси ва тузилмасининг
ўзгаришини таҳлили

⊕

Кўрсаткичлар	Йил бошида		Йил охирида		Фарқ (+,-)	
	Сумма	Сал- моғи	Сумма	Сал- моғи	Сумма	Сал-моғи
Кредиторлар						
Мол етказиб берувчи берувчилар ва пурдатчиларга қарз	88433	0.69	6142	0.01	-82291	-0.68
Шўъба ва қарам жамиятларнинг қарзлари	10521791	82.44	47125609	93.60	+36603818	+11.16
Олинган бўнаклар	1367778	10.72	2164011	4.29	+796233	-6.43
Бюджет бўйича қарзлар	109392	0.86	102667	0.20	-6725	-0.66
Мақсадли давлат фондига тўлов қарзлари	95283	0.75	138571	0.27		-0.48
Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар	480424	3.76	530882	1.05	+50458	-2.71
Бошқа кредиторлик қарзлари	100105	0.78	277417	0.55	+177312	-0.23
Жаъми	12763206	100	50345299	100	+37582093	-
Муддати ўтказиб йуборилган	-	-	-	-	-	-

*Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик
мажбуриятларининг олдини олиш мақсадида қуийидаги
чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:*

- ❖ ўзаро шартномавий муносабатларда томонларинг
масъуллиги ва уларнинг шартларига қатъий
амал қилиши;
- ❖ муддати ўтказиб юъорилган ҳар қандай тўловлар
суммаси бўйича ҳуқуқий жавобгарлик шартини
белгилаши;
- ❖ Ҳисоб-китобларнинг замонавий шакларидан
фойдаланиши.

Корхона дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси

⊕

ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ	Сумма (минг сўм)	КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ	Сумма (минг сўм)
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб	68571799	Мол етказиб берувчиларга қарз	6142
Шўъба ва қарам жамиятларнинг қарзлари	-	Шўъба ва қарам жамиятларнинг қарзлари	
Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнаклар	36797	Солиқлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар	47125609
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари	1621	Бюджет бўйича қарзлар	102667
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари	2172	Мақсадли давлат фондига тўлов қарзлари	138571
		Меҳнатга хақ тўлаш бўйича қарзлар	530882
Бошқа дебиторлик қарзлари	31917371	Бошқа кредиторлик қарзлари	277417
		Олинган бўнаклар	2164011
Жами	100529763	Жами	50345299
		Дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқчалиги	50184464
БАЛАНС	1000529763	БАЛАНС	1000529763

3. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини айланувчанлигини таҳлили

*Дебиторлик
мажбуриятларининг
айланувчанлиги*

- Қарз мажбуриятларининг ундириб олиш муддати ва уларнинг айланиш коэффициенти тушунилади. Бу бевосита бугунги юзага келган мажбуриятнинг неча кундан кейин нақт пулга айланиш даражасини характерлайди.

Корхонанинг дебиторлик қарзлари айланувчанигини таҳлили

+

Кўрсаткичлар	Хисобот йил боши	Хисобот йил охири	Ўзгариши (+,-)
1.Дебиторлик карзлари	53331418	100529763	+47198345
2.Соф тушум	457340100	613071300	+155731200
3.Айланма активлар	56766442	103586466	+46820024
4.Муддати ўтган дебиторлик карзлари	2977408	204414	-2772994
5.Дебиторлик карзларининг айланиш коэффициенти (2 : 1)	8.57	6.10	-2.47
6. Дебиторлик карзларининг айланиш даври, кунда (1x360:2)	41.98	59,03	+17.05
7.Айланма активлар таркибида дебиторлик карзлари, % (1:3x100)	93.95	97.05	+3.1
8.Муддати утган дебиторлик карзлари улуши, % (4:1x100)	5.58	0.20	-5.38

Кредиторлик карзлар – «бошка корхоналар хисобидан фаолият кўрсатиши» деса ҳам бўлади.

Чунки кўп корхоналар маблағларга бўлган эҳтиёжини коплаш учун банк кредитларидан эмас, балки кредиторлик карзларидан фойдаланадилар.

Кредиторлик қарзи кайтарилиганда мажбуриятлар суммаси камаяди. Шунингдек, айланма маблағлар, яъни пул маблағлари, товар-молдий бойликлар ҳам камаяди. Бундай ҳолатда бухгалтерия балансининг якуний суммаси камаяди, карз корхонанинг маблағлари хисобидан узилади. .

Корхона буйича кредиторлик қарзларини айланишини таҳлили

+

Кўрсаткичлар	Хисобот йил боши	Хисобот йил охири	Ўзгариши (+,-)
1.Кредиторлик қарzlари	12763206	50345299	+37582093
2.Сотилган маҳсулотлар (иш, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таниархи	4573401	6130713	+1557312
3.Мажбуриятлар	12763206	50345299	+37582093
4.Кредиторлик қарзларининг муддати ўтгани	-	-	-
5.Кредиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти (2 :1)	0.36	0.12	-0.24
6.Кредиторлик қарзларининг айланиш даври, кунда (1x360:2)	1,01	2.96	+1.95
7.Мажбуриятлар таркибида кредиторлик қарзлари улуши, % (1:3x100)	100	100	-
8.Муддати ўтган кредиторлик қарзларининг жами кредиторлик қарзлари таркибидаги салмоғи, % (4:1x100)	-	-	-

*Корхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг
аҳволинияхшилаш бўйича қўйидаги амалий тавсияларни бериш
мумкин*

**зарур маҳсулотни етказиб бериш ва харид қилиш
шартномаларини ўз вақтида, тўғри тузиш;**

**ҳисоб-китоб тўлов ҳужжатларини ўз вақтида ва тўғри
расмийлаштириш;**

**маҳсулот етказиб бериш ва сотишни вақтида
ҳисоб-китоб қилиб бориш;**

**маҳсулот етказиб бериш ва сотишни вақтида
ҳисоб-китоб қилиб бориш;**

**маҳсулот етказиб берувчилар ва харидор
корхоналарининг молиявий аҳволини ўрганиш;**

•маҳсулот ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш;

**маҳсулот етказиб берувчилар ва харидорлар билан
ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш;**

**корхона бухгалтерлари, иқтисодчилари ва молия
ходимларининг
малакасини мунтазам ошириб бориш**

**корхонанинг молиявий аҳволини ўз вақтида таҳлил
қилиш ҳамда
уларнинг натижаларини менежерга тақдим этиш**